

МАҚСУД ҚОРИЕС



ТУРНАЛАР БАЛАНД УЧАДЬ




МАҚСУД ҚОРИЕВ

ТУРНАЛАР БАЛАНД УЧАДИ

ПОВЕСТЬ

Ғғұр Ғұлом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1976



Y3
K60

K $\frac{70302-112}{352(06)-76}$ 64-76

ИЗЛАНИШ ЙЎЛЛАРИДА

Ёзувчи эллиска кирганда, анъанага кўра, унинг ижодий йули, ўтган босқичлари ҳақида гап юритилади. Лекин ярим асрлик умр — қулоқча жуда салобатли эшитилса ҳам, матълумки, бизнинг давримизда бу атиги ўрта ёш, катта ижодий якунлар ясашга етарли имкон бермайди. Чунки адабиёт эҳтирослардангина иборат эмас. Адиб донолиги эса ҳаёт тажрибаси билан келади.

Бу жиҳатдан Мақсад Қориевнинг ижодий истиқболи эндиғина очилган қўриқдай, десак булади: у адабий машқларини анча етук ёшида ва шунинг учун ҳам анча дадил бошлади. Сўнгги саккиз-ўн йил ичидагина бирмунча ҳикоялар билан «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганд», «Ой тутилган тун», «Афросиёб гўзали» сингари қиссалар адабий жамоатчиликнинг тилига тушди. Ёзувчининг дастлабки ишлари кўп таҳлил этилиб, камчиликлари рўйирост таниқид қилиб турилди, тўғрироғи, ҳали нисбатан ёш бу ижод ҳамиша талабчан таниқиднинг назари остида бадиият погоналарини ўжар бир ирода билан әгаллаб борди. Ҳозир ёзувчининг кўпгина асарлари рус тилига таржима қилиниб, марказий нашриётларда ҳам босилиб чиқмоқда.

Мақсад Қориев, кўпчилик адибларимиз сингари, адабиётга журналистика соҳасидан келди. Бу йўлнинг ўзига хос ижобий томонлари билан бирга кўпгина қийинчиликлари ҳам бор. Журналистиканинг публицистик услуби, одатда, ёзувчини узоқ вақт ўз ҳукмида маҳкам ушлаб туради, актуаллик майли эса факт ва воқеаларни тарихий масофадан туриб баҳолашга халақит беради. Лекин Мақсад Қориев адабий ижод соҳасига журналистик тажриба билан бирга катта гоявий-сиёсий тайёргарлик билан келган эди. Буларнинг ҳаммаси ва адабий таниқидчиликнинг хайриҳоқ кўмаги журналистикасининг ёзувчига бера оладиган барча имкониятлари-

ни рӯёбга чиқариншга мадад берди; ҳаётнинг долзарб муаммоларини пайқаб ола билиш, кузатувчанлик, тематик сезгирилик, бош йўлни танлай олиш, характер чизиқларининг чинакам замонавийлиги... Бунга ўхшаш кўп зарур фазилатлар ҳозир Мақсуд Қориев ижодида бор.

Унинг каттагина ижодий маҳсулотининг бир қисми бўлмиш қўйлингиздаги китобни варақлайлик. У ниҳоятда замонавийлиги, кўтарган масалаларининг ҳаётйлиги, ёш қаҳрамонларнинг соғ орзулари, ёғду ва соя томонларнинг кескин зид қўйилиши, ҳатто баъзи бадиий заифликлари жиҳатидан ҳам Мақсуд Қориев ижоди учун жуда характерлидир. Қаҳрамонлар тақдирни билан бир-бирига узвий bogланган икки повестдан иборат бу китобда бизнинг энг илғор, ишчан замондошлиларимиз — коммунистлар, ишчилар, инженер конструкторлар, техника интеллигенцияси, ёшлар ва веторантар иштирок этади. Уларнинг фаол ҳаёти, юксак фазилатлари, олижаноб хатти-ҳаракатларида замон руҳи, авторнинг энг яхши идеаллари яққол сезилиб туради.

Китобда қаҳрамонларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги муҳим манфаатлари билан шахсий-интим мотивлар уйғунликда кўрсатилганидан, ҳаёт лавҳалари барча мураккабликлари билан гаёдаланади. Бош қаҳрамонларнинг ўзи шу мақсадга мувофиқ танланган. Улар иккаласи ҳам ҳозирги ёшларимизнинг типик вакиллари. Авваллари тўпорироқ кўринган ёш йигит Рашиднинг заводдаги барча ташвишлари билан Дилафрўзнинг ғозиги ҳислари ва нафосат дунёсига кириб келиши ёки аксинча, Дилафрўзнинг ўз нафис ва пок орзулар дунёси билан Рашиднинг ижтимоий манфаатлар курашига тўла ҳаётига келиб сингиши асаддаги табиий ҳаётий уйғунликни кучайтиришга хизмат қиласди.

Бундай изланишлар авторнинг профессионал маҳорат йўлидаги ютуқларини таъминлайди. Ёзувчи образларнинг бадиий юкини ошира бориб, кўпларининг рамзий маънио касб этишига эришади. Рашиднинг бобоси Абдураҳмон ота ўз даврининг, ўз авлодининг энг муҳим ишлари билан шуғулланган кария: у кечакундуз тер тўкиб, янги тузилган колхозлар учун кетмои, омоч, мола ясаган: замоналини пахтачилик «техника»си шундан иборат эди. Невараси эса ҳозирги қудратли фан-техника революциясининг марказида, бобо унинг баҳсу мунозарааларида ўз умрининг давомини кўради, Рашидга улкан ҳаёт тажрибаси билан, доно маслаҳатлари билан ёрдам беради. Бобонинг бир замонлардаги темирчилик устахонаси ўрнида ҳозир «зангари кема»лар ишлаб чиқарадиган машинасозлик заводи, Рашиднинг отаси Содиқ aka мансуб бўлган ўрта авлод бу гигантни шиддатли уруш йиллари тиклаган, эндиликда эса, Рашид унда ихтирочи инженер. Автор бу учинчи авлоднинг ҳам

жәёти енгил-равон әмас, балки қизғын курашларга тұла жаёт әканини күрсатади. Виз тушунамизки, учала авлоднинг ҳам бахти маңа шу шарафли курашларда. Чунки бу халқ бахти учун курашдир.

Журналистдан чиққан бошқа күп ёзувчилардан фарқли ұлароқ, Маңсұд Қориев бадий адабиётта келиш билан журналистикадан тамоман «чиқиб» кетмади. Эңтимол, шу сабабдирки, унинг кескин сюжетларida ҳаётдаги салбий томонларни рүйирост фош қилиш нафаси кучли.

Образли фикрлашнинг такомили җамиша давом әтадиган жарайёndir. Бу камолотнинг мұхим босқичларини әгаллаш адабиётда яратылған традицияларга ижодий ёндаша билиш билан ҳам боғлиқ. Маңсұд Қориев үз изланишларida буни доим назарда тутади. Чунончы, адабиётда ҳаётимизнинг интернационал руҳини акс әттириш күпинча, жумладан, рус кишисининг ижобий образини яратышга интилиш йўли билан бўлар, гоҳо бу образ анча схематик резонер, насиҳатгўйгина булиб қолар эди. Маңсұд Қориев бу соҳадаги тажрибаларни ўрганиб, ҳаётимизнинг интернационал мөҳиятини очиш учун аввало, ниҳоятда табиий бир мұхит ва муносиб вазият танлайди. Валентиннинг («Турналар баланд учади» повести) кекса Абдураҳмон оталар хонадонига қон-кариндош бир жигарбанд сифатида кириб келиши ҳаётий вазиятлар тақозоси билан, уруш йилларидағи реал воқеалар тақозоси билан шундай табиий юз берадики, автор бу катта оиласынг интернационал илдизларипи кўрсатишга атай интилмагандек, фақат бор ҳақиқатни холис ҳикоя қилаётгандек туюлади.

Профессионал усталикнинг үсаётганини күрсатувчи бундай мисолларни ёзувчининг шу сүнгги асаридан кўплаб келтириш мумкин.

Филология фанлари доктори Матёқуб Құшжонов «Литературная газета»да, академик Воҳид Зоҳидов «Шарқ юлдузи» журналида Маңсұд Қориевнинг ижодидаги итоги үшін көмчиліктарни көнг таҳлил қилиб, унинг кичик ҳикоялардан эпик қиссаларга қараб дадил қадамлаётганини таъкидладилар. Бунга құшымча қилиб яна шуни айтиш керакки, у, айни вақтда, ҳикоялар ёзиши ҳам илгаригидек давом әттирмоқда. Бу мұхим жанрнинг үсиши адабиётимизда ҳозир андак сусайиб қолганини ҳам ҳисобға олсак, Маңсұд Қориевнинг жанр жиҳатидан ранг-бараңг ижодий активлиги рағбатта муносибдір.

Юқорида биз авторнинг вазият танлашда табиийликка әришувины гапиридик. Унинг яна бир йұналишдаги изланишларини айтиб утиш керак. У ҳам бўлса, воқеаларни тиғизлаш, сюжетни шитоб билан кескинлаштиришга интилишидир («Ой тутилган тун»ни

әсланг). Бир қарашда, оддий табиийлик билан атай кескинлик бир-бирига зид ҳолатлар булиб күринади. Лекин Мақсуд Қориев-нинг изланишларини кузатганда, шу зидликда ҳам уйғунлик борлигини пайқаймиз. Унинг «Айиқчалар» новелласида анча драматик воқеа ҳикоя қилинади. Шу билан бирга, унда табиийлик шундай бадиий таъсир кучига айланадики, ҳайвонлар ҳаётидаги биргина лавҳа она ва фарзанд мөхри, фидойилик түгрисида катта инсоний түйғулар уйғотади. Бу кичик новелланинг рус, қозоқ ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилиниши, дарҳол кино экранига ҳам күчиши бежиз әмас. Мақсуд Қориев-нинг ҳикоялари ҳақида ҳам күпроқ танқидий фикр юритиш, авторни бетиним изланишларга рағбатлантириш, ортиқча «ширин забонлик» ва баъзи психологик мантиқсизликлардан қутулишга ёрдам бериш керак. Чунки Алексей Толстой айтганидек, «ҳикоячилик ёзувчи учун энг зарур мактабдир».

Ёшлик түйғулари — мураккаб дунё. Бизнинг давримизда у катта ижтимоий долзарб муаммолар билан қоришиқ. Замонавий мавзуларнинг бу соҳасига дадил кирган ёзувчимизнинг машаққатли изланишларида янги ижодий қувончлар тилаймиз.

Асқад Мухтор



БИРИНЧИ КИТОБ

АФРОСИЁБ ГЎЗАЛИ

Самолёт Тошкентдаи бир оз кечикиб учгаилиги туфайли Самарқандга кечқурун гира-шира вақтда етиб борди. Рашид такси олиб тұғри «Зарафшон» мәжмонхонасига жұнади, жойи тайин бүлгач, область қишлоқ хұжалик бошқармасида инженер-механик бўлиб ишлайдиган курсдош дүсти Ғофир Мажидовниги йўл олди. Борса, аксига олиб, ўртоғи эрта билан районга командировкага кетибди, уйндагиларга икки-уч кунда қайтиб келарман, деб айтибди.

Рашид шулар билан овора бўлиб охири мәжмонхонага қайтиб келганда алламаҳал бўлиб қолганди. Хонага кирди-ю, нарсаларини қўйиб ювениб олди, кейин овқатлангани ресторангина кирди. Вақт анча кеч бўлиб қолган бўлса ҳам, шанба бўлганлиги боисидан ресторан ҳали одамлар билан гавжум эди. Ўртадаги уаусига қўйилган катта столда маишат қилиб ўтирган бир гуруҳ саёҳлар ресторан деворига самарқандлик ҳаваскор рассом ишлаган қадимий Афросиёб шаҳрининг сарой деворига чизилган ўша машҳур «Тўй тантанаси»¹ расми ҳақида ўзаро баҳслашишмоқда эди. Девордаги расм унчалик маҳорат билан ишланмаган бўлса

¹ «Тўй тантанаси»— Афросиёб шаҳри саройларининг деворига номаълум рассом тәмонидан чизилган сурат. Бу суратнинг ер остида қолиб кетган қадимги шаҳар харобалари остидан қазиб олинган асл нусхаси Самарқанддаги «Афросиёб» музейида сақланмоқда.

ҳам ҳар ҳолда кишида аллақандай илик ҳиссиёт уйғотар, хаёлингизин қадим Сүгд давлатининг икки ярим минг йиллик тарихи сахифаларига олиб кириб кетарди. Рассом ўзича ана шу ноёб обиданинг ўчиб кетган жойларини тиклаган, ўша оқ фил, фил устидаги гўзал малика, орқада бораётган отлиқлар, оққушлар галаси, хуллас, ҳамма-ҳаммасини тўлалигича акс эттирган эди.

Рашид бир чеккадаги буш столга бориб ўтирди, ўша сурат ҳақида мулоҳаза юритаётган ажнабий сайёҳларга изоҳ берадиган ғоят чиройли, хушбичим қизга тикилганича қолди. Ажабо, қизиқ бир ўхшашлик. Самарқандлик рассом деворга чизган оқ фил устидаги маликанинг суратига қаради, нима учундир изоҳ берадиган хушрӯй қиз ўша маликага жуда-жуда ҳам ўхшаб кетарди. Рашид хаёлга толди, «бу қанақаси бўлди», деб ўзига ўзи савол берди. «Шунчалик ҳам ўхшашлик бўладими? Балки рассом ушбу суратни шу қизга тақлид қилиб чизгандир. Ўзи ким экан бу қиз. Чамамда, сайёҳларга изоҳ берувчи бўлиб ишласа керак. Балки самарқандлик ҳаваскор рассомнинг қизи ёки синглисиdir. Балки...»

Қиз ёш, чамаси, йигирмаларга кирган бўлса ажаб эмас. Рашид қадимий шаҳар ҳаробаларидан топилган ҳамда китобларда ва бошқа манбаларда зълон қилинган Афросиёб саройи деворларидағи номаълум рассом чизган машҳур суратни эслади. Албатта, ер ости шаҳридан топилган обидада ўша сурат тўлалигича сақланмаган, унда ҳатто қизнинг юзи ҳам ўчиб кетган.

Рашид хаёлга толганича анча ўтирди. Қизга тез-тез қараб қўяр, нима учундир юраги безовталанарди. Лекин қиз атрофида ўтирганларга эътибор ҳам қилмасди, ўз иши билан банд эди. Соат ҳам ўн иккига яқинлашибди, энди дам олиш керак. Яна бир бор девордаги суратга, кейин қадим дунё тарихи сахифаларини варақлаётган гулчеҳра қизга юзланди, юраги жиз этиб кетди. Ресторандан чиқиб қизни кўриш умидида меҳмонхона фойесида бир оз юрди, чиқавермагач, хонасига кириб кетди.

Ўз режалари ҳақида ўйлади. Якшанба куни Самарқандда бўлиб, душанба эрталаб дастлабки самолётда учади, соат 10 га илмий-техника кенгашининг мажлиси тайинланган. Агар Ғофирини бугун учратганида иши

анча ўнгай кўчган бўларди. Зеро, Фофир ишга чечан, яхши тажрибали инженер-механик, машинанинг ипидан-игнасигача билади. Ўзи тайёрлаган янги шпиндель лойиҳасининг айрим мураккаб томонларини дўсти билан маслаҳатлашиб оларди.

Рашид билан Фофир институтда бирга ўқиб юрган кезларида ҳам янги пахта териш машинаси яратиш ҳақида жуда кўп ўйлашарди. Баъзан бўлажак агрегат нинг лойиҳаларини бир неча бор чизишиб, узоқ баҳса-лашишарди. Ўшанда Рашид ўз орзу-режалари ҳақида гапириб, ҳатто бир куни ўзи яратмоқчи бўлган машина лойиҳасини чизиб келганди. Янги пахта териш машинасининг мавжуд машиналардан афзалликлари ҳақида мароқ билан сўзлаб берганди.

-- Азиз дўстим, эшит, мен яратадиган янги машина ўзининг жуда кўп томонлари билан ҳозирги пахта териш машиналаридан фарқ қиласди. Ҳозирги энг яхши терим машиналари ҳам 13 процентгача пахтани ерга тўкиб кетаётган бўлса, янги терим машинаси унга нисбатан бир неча бор кам тукади. Янги терим машинасининг ишлаш принципи ҳамда пахта териши ҳозирги машиналардан анча фарқ қиласди. Машинанинг терим аппаратини яратишда табиий шароит кўпроқ ҳисобга олинган. Маълумки, пахта офтобга қараб ўсади. Шундай бўлгач, унинг ҳосили ҳам тепага қараб очилади. Шу сабабли янги машинанинг терим аппарати одам қўли сингари юқоридан пастга қараб ҳаракатланади. Гўзанинг устидан тушади. Тупни қамраб олиб, аевал бир силкитади. Шунда энг олдин яхши очилган пахталарни терим аппарати ҳўплаб олади. Кейин аппарат ўз ўқи атрофида ва гўза тупи атрофида бир айланиб, бошқа очилган пахталарни ҳам шичётка-ларига илинтириб ўзига тортади ва бункерга узатади.

Шу тахлитда аппаратнинг иккита «қўли» гајмал-галдан гўза туплари устидан тушиб, фақат очилган пахталарни териб олади. Унинг яна бир афзаллиги шундаки, бундай машина учун гўзани дефолиация қилиб ўтириш ҳам шарт эмас. Бунинг устига трактордан бошқа ишларда йил бўйи фойдаланиш мумкин. Кейин Рашид ўзи яратган янги машинанинг техник томонлари ҳақида Фофирга батафсил сўзлаган эди.

Шунда Фофир Рашидга юзланиб:

— Хаёлпарастсан, азизим, ҳа, хаёлпараст булганда ҳам жуда бошқачасисан, лекин сенга ўхшаган хаёлпараст кишилардан кўп нарса чиқади,— деганди.

Рашид ўша гапларни эслади. Каравотга ёнбошлаб, әрталаб Тошкентда олиб, ўқишга улгуролмаган бугунги газеталарни кўздан кечириб чиқди. Ҳали самолётда келаётганда газетадаги илмий-техника прогрессига доир мақолани ўқиб чиқмоқчи бўлиб ажратиб қўйганди. Мақолани ўқишга бошлаган ҳам эдик, хаёли яна бўлинди. Ўқиган жумлани яна қайта-қайта ўқиб, ҳеч нарса тушунмади, гўё фикрларичувалашиб кетгандек. Кейин ўрнидан туриб деразани очиб юборди, енгил, соф ҳаво хонани тўлдирди. Қайтиб, хонасида ёйилиб ётган газеталарни бир чеккага йигиштириб, кийимларни ҳам ечмай каравотга ёнбошлади, ширин хаёллар уни ўз оғушига олди. Яна ўша дилрабо қизнинг сурати кўз ўнгига намоён бўлди. Мунча ҳам чеҳраси иссиқ, латофатли қиз экан, уйлади.

Рашид қизни хаёлидан чиқариб, ухламоқчи бўлди, лекин фикри ҳадеб битта нуқтага бориб тақалаверди: оқ фил устидаги малика ва сайёҳлар даврасидаги ўша ой юзли қиз. Қиз гўё ўша девордаги сурат ичидан чиқиб келаётгандек туюларди, унинг ширин каломи ҳам қулоғи остидан кетмасди. Рашид ухлай олмади, ўрнидан туриб кетди, дераза ёнига бориб кўчага қаради, вақт ярим кечага яқинлашган, кўчалар жимжит, Самарқанднинг ўзига хос майин, юмшоқ ҳавоси танга роҳат багишлиайди. Ёз фасли бўлса ҳам ҳаво жуда иссиқ эмас, ҳатто кечқурун костюм кийиб юриш керак. Рашид сигарета олиб чекди, кейин бехосдан сайр қилгиси келиб, стулга кийгизиб қўйган костюмни олиб, астагина пастга тушди, беихтиёр Регистон томонга қараб юрди.

Бибихоним мадрасасининг нураб тушган гумбази устидаги ботаётган ойга қараб турди-ю, нима учундир юраги увишди. Шердорнинг баланд қуббалари нурсиз ярқирайдii. Ўтмишининг бу ноёб, ҳеч қайтарилемас ёдгорликлари минг йиллар оша инсон ақл-заковати, изжодкорлиги, санъатидан далолат бериб тантанавор тургандек... Рашид ҳар сафар Самарқандга келганда тарихнинг бу ўлмас обидаларидан янги-янги саҳифаларни ўқийди, асрий гўзалликнинг аввал билмаган, ёшитмаган қирралари кўз ўнгига гавдаланади. Маҳо-

рат ва нозик дид билан йўнилган тошлар, пештоқларга чизилган хилма-хил нақшлар инсоннинг ижодий меҳнатига ўрнатилган абадул-абад мангу ёдгорлик эмасми? Тошларга гул йўнган наққош — санъаткор ким экан ўзи, наҳотки бирор жойга ўз номини ёзиб қолдирмаган? Ҳа, унинг номи ҳеч ерга ёзилмаган. Бу обидалар шоҳлар, амирлар, дин аҳллари номи билан атalsa-да, лекин унинг ижодкори меҳнаткаш, жафокаш халқ, ўз ижодкорона меҳнати, санъати билан ўзига, инсон ҳазрати олийларига ҳеч сўнмас мангу ёдгорлик ўрнатди.

Шамол ҳуштак чалиб, мадраса панжаралари орасидан юргурганча ичкарига кириб кетгандек бўлди. Кимdir девор орқасидан бир мўралаб, яна ўзини панаға олгандек туюлди. Ичкаридан қандайдир мунгли овоз келгандек бўлди... Йўқ, бу ғамгии қўшиқ аёл кишининг овозига ўхшаб кетди. Кейин пёлларнинг бараварига ун тортгани, кимнингдир айтиб-айтиб йиғлагани тишилгандек... Булар ҳам бир зумда тиниб қолди. Пештоқлар орасидан кимdir пицирлаётгандек, ўтмишнинг ҳеч ким билмаган, ер остига кўмилиб кетган сирларини айтмоқчилик... Ҳа, бу пештоқларда сир-асрор кун. Зулмкорларнинг қаҳр-газабига дучор булиб, тириклийин девор орасига кўмилиб кетган қули гул уста наққош қандай қилиб ўз номини ёзиб қолдирсан. Ўзи ким, қойси мамлакатдан, элатдан қул қилиб ҳайдалиб келтирилган экан? Ўз ватани, болалари, севимли ёриши кўролмай, дунё юзидан кўз юмиб кетган бечора, гариб ким? Балки қўшиқ ўшанг бағишлилангандир.

Икки-уч отлиқ шу майдон томон кўчаларни ларзага солиб ётиб кетди. Узоқдан тибильжанг¹ садоси келгандек бўлади. Мана, совут кийган, қилич-қалқон тақиб, машъала кутариб олган қўшинилар саф-саф булиб Самарқанднинг асосий дарвозаси томон кетишишмоқда. Чамаси, улар жуда узоқ сафарга отланаётган булишса керак. Улардан қанчаси қайтади, қанчаси қайтмайди, бу ҳеч кимга аён эмас. Қий-чув, тун қўйнида аёлларнинг дод-фарёди, нолиши жанговар музика садоларига қўшилиб, уланиб кетди.

¹ Тибильжанг — урушга кириш олдида чалинадиган жанг музикаси.

Булар жаҳонгир оқсоқ Темур амри билан халқлар-элатлар бошига ўлим ва қашшоқлик олиб кетаётган қўшинлар эмасми? Ёки ўзаро феодал урушларини тинчтиш учун ўз акасига, укасига, амакисига ёки отасига карши бораётган Самарқанд ҳукмдорининг жангчиларими? Улар ўз ишларидан норозидек, бефойда урушлардан зериккандек...

Рашиднинг хаёли асрлар ичра сингиб кетганди. Кўз ўнгида сугдлар қаҳрамони Спитамен¹нинг македониялийк Искандарга қарши Бақтрия чўлларида, Амударё соҳилларида, баланд тог қояларида олиб борган аёвсиз жангига гавдаланди. Муқаниннинг араб босқинчиларига берган аёвсиз зарбалари, Жалолиддиннинг қонхўр Чингиз армиясига чап бериб, душман юрагига ҳамиша гулгула соловчи даҳшатли жангларини эслади. Кекса тарих кўп нарсаларнинг гувоҳи. Лекин инсон қони тўкилган бу тупроқ, ҳамма босқинлар, курашлар, жанглар гувоҳи бўлган бу кўҳна шаҳар ҳамиша сукутда, ҳеч кимга ҳеч нарса демайди.Faқат ана шу қадимий обидалар, ер остида қолиб кетган бутун-бутун шаҳарларгина кўп воқеалардан гувоҳлик беради.

Шоҳлар, хоқонлар ўз ҳаётларини айшу ишратда, фароғатда ўтказдилар. Богичинор, Богишамол, Богибалианд, Богидилкушо Самарқанд ҳукмдорларининг ёзги саройлари эди. Темурланг эллар-элатлар бошига беҳисоб кулфатлар солиб, халқ қони ҳисобига муҳташам саройлар, маданият обидалари барпо этди.

Сайроқи қушларнинг эрка овози тонг ёриша бошланганинидан далолат берди. Ёз ойларида тонгни қутлашнинг ўзига хос гашти бўлади. Салқин шабада баданга уриб бутун вужудингизга роҳат баҳш этади. Кўчалар сокин, ҳеч ким йўқ. Киши ўзини жуда ҳам тетик, енгил ҳис этади... Янги кун, янги ҳаёт бошланаётганлининг гувоҳи бўласан. Рашид Шоҳизинда ёнидан ўтиб Богибалианд томонга юрди. Улугбек расадхонаси ёнидаги чойхонага бориб, Самарқанднинг ширин, жаҳонга машҳур нони, шакардек мевалари билан ноңушта қилишни ҳаёлидан ўтказди. Ёқимли шабада эсиб, юрак торларини чертгандек бўлди. Ана, узоқдан ер остида қолиб кетган Афросиёб шаҳрининг қазиб таш-

¹ Эрамиздан олдинги 329—328 йилларда юнон-македон босқинчиларига қарши курашган Ўрта Осиё халиqlарининг қаҳрамони.

ланган вайроналари кўринади. Қадимий шаҳар вайроналарига хаёли кетиб, Рашиднинг фикрига яна ўша девордаги сурат келди. Ўша соҳибжамол қизни, унинг кулиб турган нозли чеҳраси, тимқора зулфи, гилосдек қизил ёноқларини эслади... Юраги безовталанди. Ўйлади: «Ҳозир қаерда экан, уни яна кўрармикинман? Балки меҳмонхонага борсам учратиб қоларман? Яхшиси, «Зарафшон»га бориб ионушта қила қолай... Зорамазора уни учратиб қолсан». Шундай деди-ю, орқасига қайтди, тез-тез юриб, меҳмонхона томон кетди.

* * *

Рашид ионушта қилиб қайтиб чиққанида сайёҳлар автобус ёнида тўпланиб туришарди. Ўша сарвқомат қиз уларга бугунги режалар ҳақида сўзларди. Шу вақт ичкаридан келишган, бир йигит чиқиб:

— Дилафрўз, бу ёққа келинг! — деб мурожаат қилди.


Қиз сайёҳлардан кечирим сўраб, чопганча йигит ёнига борди.

Рашиднинг ғаши келди, «чақиргандан кўра келиб гапирса бўлмайдими, қиз-чи, нега чопиб борди экан». Кейин ўйлаб-ўйлаб, балки бошлиғидир, деб хаёлидан ўтказди.

Исми ҳам жуда чиройли экан, Дилафрўз, ҳа, ғоят гўзал, жисмига монанд. Рашид үзини эртак қаҳрамонидек ҳис этди, кеча кечқурундан то тонг саҳаргача бўлған воқеалар, ички кечинмалар таассуротида алла-қаидай ҳиссиётлар қалбини бутунлай чулғаб, уни гуё сеҳрлаб қўйгандек эди...

Қиз бояги йигит билан нималар ҳақидадир узоқ сўзлашди. Кейин сайёҳлар ёнига қайтиб келиб, уларни автобусга таклиф этди.

Шу вақт автобус ёнида турган бир сайёҳ Рашидга мурожаат қилиб, инглиз тилида ниманидир сўради. Рашид инглизча тушунмайман» деб елкасини қисди. Сайёҳ чопганча бориб Дилафрўзни қўлидан тортиб Рашиднинг ёнига бошлаб келди ва ҳалиги саволини тақрорлади. Қиз Рашидга бир оз кадар турди, кейин таржима қилди:



— Сизни сахарлаб мадраса ёнида кўрган эдим, ёдгорликларга шунчалик қизиқасизми, ўзингизнинг асли касбингиз нима, самарқандликмисиз?

Рашид кечаси билан хаёлига меҳмон бўлган хушсурат қизга қаради, «яхшилаб кўриб олай», деб кўнглидан ўтказди, кейин сайёҳга жавоб берди:

— Мен маданий ёдгорликларга жуда ҳам қизиқаман, касбим инженер-конструктор, ўзим асли тошкентликман,— жавобим етарлими, дегандек қизга қаради.

Дилафрўз Рашиднинг жавобини таржима қилди.

Сайёҳ жавобни диққат билан әшитиб, йигитни яна саволга тутди.

— Қандай соҳа бўйича мутахассиссан?

— Машинасозлик бўйича.

Сайёҳ Рашидга мамнуният билан қараб:

— Мени кечирасиз, журналистман, ўзингиз биласиз, журналистлар ҳамма нарсага аралашиша беради, танишиб қўяйлик, «Морнинг стар» газетасида маданият масалалари билан шуғулланаман,— дея Рашидга қўл узатди. Кейин гапида давом этиб:— Ўзбекистонга келиб, ажойиб кишилар билан танишдим, мана, таржимон қизимизга қаранг, мен ўзим жаҳонгаштаман, ҳа, шундай, лекин бунақангидан гўзални, сарвқомат қизни ҳеч қаерда учратганим йўқ, бундай соҳибжамол фақат гўзал Самарқанддагина бўлиши мумкин,— деди.

Дилафрўз қизариб кетди, бир Рашидга, бир сайёҳга қаради, нима дейишини билмай турди. Сайёҳ бўлса айтганинни таржима қилишни қиздан талаб қиласади.

Дилафрўз Рашидга қараб сайёҳнинг гапларини таржима қилиб узи ҳақида айтилган таърифу тавсиф ҳақида ҳеч нарса демади. Кейин кечга қоламиз дегандек, журналистни автобусга таклиф этди.

Рашид кулимсираб қўйди, сайёҳ Дилафрўзга қараб яна бир нарса деди.

— Агар сиз ҳам ёдгорликларни томоша қилмоқчи бўлсангиз, биз билан бирга юрсангиз, сизга баъзи саволларим бор, деяпти.

— Мени-ку вақтим бор, ўзим ҳам ёдгорликларни кўриш ниятидаман, аммо сиз нима дейсиз?

— Менга барибир...

— Сиз ҳам таклиф қиласизми?

Қиз индамади, шошиб автобус томон юрди, бояги сайёх бўлса чет эл журналистларига хос сурбетлик билан Рашидни қўлтиқлаганча автобусга олиб чиқди.

Автобус тўппа-тўғри Улуғбек расадхонаси томон кетди.

Рашид автобусдан ҳаммадан олдинроқ тушиб, қизни кутди.

— Кечирасиз, ўз йўлимга кетаверсаммикан, сизнинг ишингизга халақит беряпман чамамда. Айбга бу юрмайсиз, исмингизни билмайман.

— Дилафрўз...

Рашид чет эл сайёхларига аралашиб юришни ўзига эп билмасди, бунинг устига қиз ҳам бунчаям сурбет йигит экан, деб ўйлаши мумкин. Лекин Рашид хаёлини банд этиб юрагига олов солган қиз билан бир оз бўлса ҳам танишиб олишга имкон берган «сурбет» журналистдан ғоят миннатдор эди.

— Нима дейсиз, яххиси кета қолай,— деди Рашид ийманиб.

Дилафрўз бир нарса демоқчи бўлиб оғзини жуфтланган ҳам эдики, ҳалиги журналист чопганича келиб, қизга мурожаат қилди:

— Марҳамат қилиб сўранг-чи, йигитнинг исми нима?

— Исмингиз нима?— сўради Дилафрўз, бу сафар кулимсираб.

Рашид қизнинг кулимсирашидан ўзини жуда ҳам ноқулай ҳис этди. Чунки қизнинг номини сўраганда ўзиникини айтмаганди. Энди Дилафрўз Рашидни боллаб қўлга туширган эди.

— Мени кечиринг, беодоблик қилибман, исмим Рашид,— деди у қизариб.

— Фамилияңгиз-чи?— сўради журналист ўртадаги ўнгайсизликни кутариб.

— Абдураҳмонов.

— Отангиз нима иш қиласди?

— Машинасозлик заводида мастер.

— Бирга ишлайсизларми?

— Ҳа, бобом ҳам ўша заводда ишчи эди, ҳозир пенсионер.

— Оҳо, бутун бир ишчи сулоласи, бу жуда ҳам ажойиб, мен сиз ҳақингизда, оилангиз ҳақида, албатта

ёзишим керак. Кечқурун «Зарафшон» мәҳмонхонасига келолмайсизми?

— Үзим ҳам «Зарафшон»да тураман, кечқурун күришсак бўлади, албатта.

— Жуда ҳам яхши,— деди у ва Дилафрўзга юзланиб:— кечқурун бирор соат вақтингизни бера оласизми,— деди.

— Марҳамат, албатта келаман,— деди Дилафрўз.

Рашид кўнгли жойига тушиб улар билан хайрланиб, ўз йўлига кетди. Лекин у ўз иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, аммо қалбига ҳамоҳанглик билан Дилафрўзга яқинлашмоқда эди. Ажнабий журналист кечқурун учрашмоқчи булиб, тағин қизин ҳам боғлаб қўйди. Баъзан тақдирниңг тақозоси билан кишилар бир-бирларига боғланниб қолганларини ўзлари ҳам билмай қоладилар. Шояд Дилафрўз билан ҳам шундай бўлса... Рашидинг кўнгли зор кетди. Балки узоқ йиллар излагани шу гулгун чеҳрали қизми экан, баҳтини қидириб-қидириб, шу кўхна шаҳардан топиб олса ажаб эмас! Лекин унинг қалбида бегона ҳиссиёт, юракларини безовта қилаётган бир туйгу бор эдики, ҳақиқатан ҳам бу бутунлай бегона туйғу, юракка бирданига қаердандир тушиб қолган чўғ эдики, унинг алана олиб кетиши ҳеч гап эмасди!

Кечқурун Рашид ажнабий журналист билан сухбатда бўлди. Учрашувга Дилафрўз бир оз кечикиб келди. Рашид ўз ҳаёти, оиласи, режалари ҳақида сўзлаб берди, кейин савол-жавоблар бўлди.

— Кечирасиз, яна битта норасмий саволим бор. Сиз уйланганимисиз?— сўради журналист хайрлаша туриб, кейин таржима қилинг дегандай таржимон қизга юзланди.

Дилафрўз ерга қаради, бир оз ийманиб туриб, Рашидга ғалати бир қараш қилди.

— Майли, майли, агар саволим ўринсиз бўлса, таржима қилмай қўя қолинг,— деди журналист.

— Йўқ, ўринсиз эмас, таржима қиламан,— деди-ю, Рашидга юзланди.

— Бу киши сизнинг оилавий аҳволингиз билан қизиқяптилар.

— Очигини айтсан, кўнглимга ёқадиган қизни ҳали учратганим йўқ,— деди Рашид Дилафрўзниңг кўзларига термилиб.

Дилафрўз қизариб кетди, Рашидга нозик табассум ҳадя қилди-ю, сайёхга юзланиб унинг жавобларини аниқ таржима қилиб берди.

Сайёх қулди, кейин Дилафрўзга инглизчалаб бир нарса деганди, бу сафар қизнинг лавлагиси чиқиб кетди, ўзини ўнгайсиз ҳис этди.

Рашид гап нима ҳақида борганини тушунмадими, ҳар ҳолда бу ўнгайсиз ҳолатдан қизни қутқармоқчи бўлгандек сигарета чекиб келиш ниятида меҳмонхона фойесига чиқиб кетди. Бир оздан сўнг қиз чиқди, у ёқ-бу ёққа юриб турган Рашидга кўзи тушиши билан ўзича кулиб қўйиб, кейин «жаноб журналистнинг саволлари тамом бўлибди», деб Рашид билан хайрлашди.

— Рухсат этасизми, уйингизга кузатиб қўйсам,— ийманибгина сўради Рашид.

Дилафрўз индамади, Рашид унинг кетидан чиқиб тез-тез юриб, қизга етиб олди.

— Ўзим шаҳарни бир айланиб келмоқчи эдим, шу баҳона сизни ҳам кузатиб қўяман, майлимми?

— Бир ўқ билан икки қўённи отиб оламан денг,— деди ҳазиллашиб Дилафрўз.

— Унчалик эмас,— деди Рашид жиддий оҳангда.

Дилафрўз Рашидга яна савол билан мурожаат қилди:

— Саҳарлаб мадраса ёнида юрган экансиз...

— Ким айтди?

— Ҳали анави сайёҳ журналист айтди-ку.

— Сизга ростини айтсан, шу кеча яхши ухлай олмадим, кейин тунги Самарқандни кўрай деб сайдрга чиқсан эдим. Чамаси, журналистинг ҳам бу кеча ухламабди шекилли?

— Нега мени журналистим бўлади,— деди табассум билан Дилафрўз, ҳайратомиз.—Лекин ўзи яхши одам, кўп нарса билади. Самарқанд тарихига жуда қизиқар экан. Сиз ҳам ундан қолишмайсиз чамамда.

Рашид кулимсираб қўйди, лекин хаёлига бир нарса келиб, Дилафрўзга ер остидан қаради. Бир нарса демоқчи бўлиб, оғзини жуфтлади-да, қизга юзланиб:

— Эрталаб сайёҳларга Афросиёб ҳақида сўзлаб берётганингизда юонон-македон босқинчиларига қарши курашган Спитаменнинг ўз хотини томонидан ўлдирилиши ҳақида гапирдингиз. Лекин тафсилотини тўла

айтиб бермадингиз. Квант Курций¹нинг ёзишича, Спитамен ўз хотинини жуда ҳам севган ва қочиб юрган кезларида ҳам ҳамиша ўзи билан олиб юрган. Сарсон-саргардонлик, ҳамиша хавф-хатар остида юриб ҳолдан тойган бу аёл эрига Искандарга асир тушишни таклиф этади. Лекин Спитамен асирикдан ўлимни афзал күради. Шундан кейин хотини эри маст ҳолда қаттиқ ухлаб ётганини кўриб, қилич билан унинг бошини олиб Искандар ёнига боради.

Ариан²нинг ёзишича эса, Спитаменинг ўлимига чўлдаги кўчманчи қабилалар сабаб бўлган эмиш. Улар дастлаб қўзғолончилар молу мулкини талаб олишади, кейин юони аскарларни қувиб келаётганини эшитиб Спитаменинг калласини олиб Искандарга юборишади.

— Сиз ҳам Самарқанд тарихига қизиқар экансиз,— деди Дилафрўз.

— Институтда ўқиб юрган вақтимда Самарқанд тарихига доир адабиётлар билан танишганман. Ўзи асли пиятим тарихчи бўлиш эди, замонанинг зайди билан шу касбга дучор бўлиб қолдим.

— Касбингиз жуда яхши касб, тарихчи бўлишингизга асло халал бермайди.

Рашид индамади, уртага бир оз жимлик чўкди, Дилафрўз давом этди:

— Ҳар ҳолда ҳар бир маданий киши Ватанимиз тарихини яхши билиши керак.

— Афросиёбда топилган «Тўй тантанаси» суратини эслайсизми? — сўради Рашид.

— Хўш, нима бўлибди?

— Мен шу расм ҳақида қизиқ бир нарса айтиб бераман...

— Жон-жон деб эшитардим,— деди Дилафрўз.

— Агар вақтингиз бўлса, ҳаво жуда яхши, Богоибалинд томон борайлик.

Дилафрўз аввалига иккиланиб турди, кейин рози бўлди, улар Улуғбек расадхонаси томон кетишиди. Рашид йўл-йўлакай кекса тарихнинг саҳифаларини варақлаётгандек мулоҳаза юритарди.

— Эслаб кўринг, уша суратдаги деталларни...

Рашид Афросиёб томонга юзланиб, худди актёрлардек сўзлай кетди:

¹ Квант Курций — қадимги юони тарихчиси.

² Ариан — қадимги юони тарихчиси.

— Афросиёб. Шаҳар маркази гавжум. Ҳамманинг эътибори бўйнига кумуш қўнғироқлар тақилиб, чиройли қилиб безатилган оқ фил устидаги маофада кетаётган гулгун юзли маликада. Тантанавор тўй манзараси. Оқ фил кетида отлиқ уч аёл, учаласи ҳам калта қизил кўйлак, сариқ шолвор, оёғига амиркон этик кийиб олишган. Зебу зийнатлар тақишиб, бўйинларига шойидан тўқилган шарф ташлаб олишган. Аёллардан кейин тия минган икки киши кетяпти. Бири оқара бошлаган соқоллари юзларига ярашиб турган қоп-қора одам, иккинчиси оқ-сариқдан келган осиёлик. Иккаласи ҳам қўлига ханжар ушлаган, белига қилич тақиб олган. Ўнг томонда эса тўйга туҳфа қилиб афсонавий оққушлар галасини бир неча сипоҳийлар ҳайдаб кетишаپти. Энг орқада саман от устида елкасига қизил ёпқич ташлаган, шоҳона кийимлари ўзига ғоят ярашиб тушган баҳодир йигит боряпти.

— Энди сизга битта топишмоқ, хўш, айтинг-чи, Дилафрўз, бу тантанали маросимнинг сабаби нима? Малика ким, анави йигит-чи?

— Менимча, оқ фил устидаги қиз малика Чагани на бўлса керак.

— Саман от минган йигит-чи?

— Қуёв ёки Самарқанд подшоҳи, ёки бўлмаса ҳукмдорининг ўғилларидан бири.

— Сизнингча, улар Афросиёб шаҳридан маликани тантана билан олиб келишаپти, шундайми?

— Балки шундайдир.

— Энди яна битта саволим бор, майлимни?

— Марҳамат,— деди Дилафрўз.

— Малика Самарқандга ўз розилиги билан кетяптими уни мажбуран олиб кетишаптими?

— Маликани кўрсам айтиб берардим...

— Сурати бор-ку.

— Асл нусхаси учиб кетган.

— Рассом тиклаши мумкин.

— Ҳозирги замоннинг рассоми икки ярим минг йил илгариги маликанинг қалбини қандай билсин.

— Яхши рассом бўлса ифодалай оларди.

— Билмадим...

— Афросиёблик қалам соҳибининг шу расми асосида ўзимча бир ҳикоя тўқидим. Истасангиз, айтиб берардим.

- Қанақа ҳикоя?
- Шу ҳикояни Самарқандга келгандан бері үйлаб юрибман, агар истасангиз ҳозир мазмунини айтиб бераман.
- Ухламаганлигиниз боиси энди маълум бўлди...
- Журналистингиз ҳам ухламаган.
- Унда биргалашиб ёзибсизлар-да,— ҳазиллашди Дилафрўз.
- Унинг нима ёзганилигини билмайман, лекин мен хаёлан ҳикоя тұқидим.
- Майли, айтиб берниг, бу мен учун жуда ҳам қизиқ.
- Қани юринг, бўлмаса музейнинг иккинчи қаватига чиқайлик, ўша ердан бутун Афросиёб шаҳри кўриниб туради. Ўша ерда сўзлаб бераман.
- Оҳо, жуда хаёлпаст экансиз.
- Унчалик эмас, лекин Афросиёбга қараб туриб кўз олдимга ўша үйлаган воқеаларни келтирмоқчиман.
- Майли бўлмаса,— деди қиз Рашиднинг сўзига кулиб.

Улар Расадхона музейининг иккинчи қаватига кўтарилиши. У ердан фақат Афросиёб харобалари эмас, балки Шоҳизинда, Гўри Амир, Бибихоним, Шердор мадрасаси ва бошқа тарихий ёдгорликлар, янги, гўзал, ҳозирги Самарқанднинг манзараси кафтдек намоён бўлиб кўринарди.

Рашид Дилафрўзга қаради. Гўё қиз яна ўша оқ фил устида кетаётган гўзал чехрали маликага ўхшаб кетди. Хаёлга чўмди, ўйга толди, лаблари пи chirлади:

Кўзларинг юлдузу, ўзинг-чи: ойсен,
Малоҳат, иффатга намунча бойсен...

- Жуда үйлаб қолдингиз, шеър айтляпсизми, қани энди ҳикояни бошланг!
- Ҳай, айтганча, нимадан бошласам экан, фақат мазах қилманг, мана, эшитинг:

Уни Иброҳим деб атар эканлар... Қўли гул сураткаш экан. Уни Шаҳрисабзда танимаган одам йўқ, ақли теран, уста санъаткор, тошлардан гул ясовчи наққош экан. Гўзал водийларда, осмон билан ўшишган баланд тоғлар, қоялар диёрида юрак унларини тош-

ларга құшиқ қилиб йұнаркан. Табиат, само, гуллар, қүёш, ой, юлдузлар, ҳайвонот ва құшлар унинг ижодида ифодаланар әкан. Үшаларни тошга чизаркан... Йигит қалбига севги бегона, гүё оқудек тоғдан тошларга сакраб, табиат қучогида әркүн ҳаёт нашъасини шимаркан. Моҳир құлидаги метин тешаси билан тошларга жилва беріб, қояларга инсон ақли бовар қилмайдиган шаклларни, нақшларни чизаркан.

Санъаткорнинг донғи бутун Мовароуннаұрга кетибди. Тошларга гул йўнувчи рассом ҳақида афсоналар тўклиди. Бу Самарқанд ҳукмдорининг қулоғига ҳам етиб келиб, уни дарҳол олиб келишни буюрибди. Рассом йўл-йўлакай, иттифоқ афсонавий шаҳар Афросиёбга тушиб қолибди. Шаҳарни томоша қилиб юрган әкан, кўчада ғовур-ғувур кўтарилибди. Дўконлар ёплиб, катта-кичик ҳамма қочиб, чекка-чеккага яширинаётган эмиш. Шунда Иброҳим: «Одамлар нима сабабдан яшириняпти», деб бир мўїсафидан сўрабди.

Мўїсафид жавоб берибди: «Эй, саҳрои, подшоҳнинг яккаю ягона қизи маликаи Дијоромни ҳаммомдан олиб келишяпти», дебди. Иброҳим қаршисидаги бир дўконнинг кунжига кириб яширишиб олибди. Бир неча дақиқадан сўнг маликаи Дијором оқ фил устида маофада пайдо бўлибди. Қирқ йигит, қирқ қиз атрофи ни ўраб олган эмиш. Иброҳим бир чеккада бу маросими томоша қилибтурган әкан, бирдан шамол эсиб маофанинг пардасини кўтариб юборибди. Маликаи Дијоромнинг жамоли офтобдек барқ уриб намоён бўлибди. Йигитнинг назари маликага тушиб, шу зумдаёқ беҳуш йицилибди. Шу алфозда кечаси билан нолаю фифон чекиб эзилибди, зорланибди. Юраги безовталаниб маликага ошиқу беқарор бўлиб қолибди. Нима қилсии, бир бечора, камбағал. Энди арзи додини кимга бориб айтсин? Ахир у малика бўлса, кимсан, Афросиёб подшосининг яккаю ягона қизи!

— Бечора йигит, энди нима қиласди? — деди Дилафруз ҳазиломиз.

— Үшанга ҳайронман, энди нима қилсам экан...а, арзи додимни кимга айтай?

— Нима деяпсиз, ўзингиз рассом бўлиб қолдингизми?

— Кечирасиз, образга кириб кетибман.

Иккаласи бараварига кулишди. Энди Рашиднинг

қулфи дили очилиб кетди, ўртадаги ҳалиги тортинчоқ-лик анча күтарилиганди.

— Хүш, шундан кейин нима бўпти? — сўради қиз.

Рашид Дилафрўзнинг ҳикояга қизиқиб қолганлигидан мамнун бўлиб, давом этди:

— Шундай қилиб Иброҳим эртаси саҳарлаб туриб, тўппа-тўғри подшоҳ саройи олдига борибди. Икки кўзи маликанинг кўшкида эмиш. Эртадан то қоронғи тушгунча интизор, илҳақ бўлиб кутибди. Маликаи Дилюромни кўра олмабди. Ҳар куни эрта туриб, кўшк ёнига борақкан, пештоқларга тикиларкан, кўзлари толиб, юрак дардига малҳам тополмабди, ишқ гами санъаткорни эзиб ташлабди.

Кунлардан бир кун Иброҳим саҳарлаб кундалик одати бўйича шоҳ саройига бориб турибди. Иттифоқо, эрта тонгда шоҳ ўз навкарлари билан чиқиб қолибди. Айтидан, у овга кетаётган экан. Иброҳим чопганча бориб шоҳ отини жиловидан ушлабди:

— Мени кечиринг, шоҳим, бир оғиз арзим бор...

Ҳамма ҳайратда қолибди. Шоҳнинг ёнига бориб, отицинг жиловини тутишга кимнинг ҳадди сиғарди? Ясовуллар бу беодоб девонани дарҳол ушлаб, қўлини қайириб орқасига бураб боғлашибди.

— Шоҳим, бир оғиз...

Ясовуллар Иброҳимни ҳоли жонига қўймай ўша заҳотиёқ зиндонга ташлашибди.

Эртаси куни Иброҳимни шоҳ олдига олиб киришибди.

— Хўш, нима арзинг бор эди менда? — сўрабди шоҳ.

— Нега шоҳ отини жиловидан ушладинг? — сўрабди вазир.

— Арзим бор эди...

— Нима арзинг бор, айт, адолат қилурмиз, — дебди вазир.

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, шоҳим...

— Кечдим, айта бер!

Иброҳим ер ўпид подшоҳга мурожаат қилибди:

— Мен маликага ошиқ бўлиб қолдим. Ўнинг ишқи юрагимни эзиб, қаддимни долдек буқди. Эй, подшоҳи олам, ўлгунимча хизматингизни қиласай, маликаи Дилюромни менга беринг.

Подшоҳнинг жаҳли чиқиб кетибди: «Ҳали менинг тенгим сен бўлдингми?» дебди. Асаби бузилиб: «Жаллод!» деб бақирибди.

Шу вақт подшоҳнинг вазири подшоҳга имо қилиб, бир оз сабр қилиб туришни илтижо қилибди.

— Эй, йигит, подшоҳнинг қизига оғиз солибсан, айт-чи, давлатинг борми ўзи? — сўрабди вазир.

— Бойлигим — ҳунарим, ноёб санъатим, мени машҳур Иброҳим наққош дейдилар. Самарқанд ҳокимининг таклифига биноан кетаётган эдим,— деб бутун воқеани бошдан-оёқ сўзлаб берибди.

Шунда вазир подшоҳнинг қулогига: «Гулдек ҳунари бор экан, янги сарой барпо этайлик, ҳунарини ишга солсин, то битказгунча бир гап бўлар, саройни тезроқ битирсанг, маликани сенга берамиз, деб ваъда қилайлик, баҳона билан ишимиз ҳам битиб қолади», дебди.

Шунда подшоҳ Иброҳимга юзланиб:

— Қани, санъатинигни кўрсат, саройнинг бутун деворларини нақш, сурат билан безагилки, бундай безак етти иқлимда бўлмасин, агар шу вазифани уддаласанг, майли, малика сеники,— дебди.

Ҳикоя шу ерга етганда шаҳар томондан тун огушида ҳамма ёқни ёритиб келаётган машина Расадхона яқинидаги чойхона ёнига келиб таққа тұхтади. Машинанинг чироги учди-ю, ундан кимдир тушив ҳовлиқ-қанча Расадхона томонга юриб келди ва овози борича: «Дилафруз, Дилафруз», деб чақира бошлади.

— Вой, Козим-ку,— деди қиз ҳаяжонланиб.

Дилафруз зинадан чопганича тушив, машина томонга юрди. Рашид аввалига ҳеч нарса тушунолмай, «нима гап экан ўзи», деб секин-аста қизнинг орқасидан машина ёнига борди.

— Нима қилиб шу вақтга қадар бу ёқларда санқиб юрибсан! — деб ҳалиги йигит Дилафрузга дўқ қилди. Қиз хижолат бўлиб, ҳеч нарса демади.

Ҳалиги йигит яна авжига чиқди:

— Бу шармандалик-ку, хўш, нега бегона йигит билан юрибсан, ўзи ким?

— Сизнинг нима ишининг бор?

— Нега ишим бўлмасин, ахир мен...

— Нима сиз...

— Қани, машинага чиқ,— деди-ю, ҳалиги йигит Дилафрузни қўлидан тортди.

— Қўйиб юборинг!

Қиз боланинг ор-номусини оёқ ости қилувчи бу ҳақоратга томошабин бўлиб қолган Рашиднинг қони гүё миясига уриб кетгандек бўлди, аянчли бир аҳволда қолди, ўртага тушиб қизни ҳимоя қиласинми? Дилафрўзни ҳимоя қилишга ҳақ-ҳуқуқи борми ўзи, ахир у билан эндигина танишидик-ку! Бунинг устига Козим ўзи ким, балки қизининг акаси ёки қариндошидир. Аммо йигитлик вижданни Рашидин қийнади, ахир Дилафрўз у билан бирга келган-ку! Бас, шундай экан, қизни ҳимоя қилмаслик йигит кишиининг шаънига ярашмайди. Шундай хаёлга борди, ўзини тутолмай, юргурганча Ко-зимга юзма-юз бўлди.

— Бу нима қилганинг, қиз болага иега қўл тегизяпсан, номард!!— қизишиб кетди Рашид.

— Нима-нима, кимсан ўзинг?— Козим муштини сиқиб Рашидга яқинроқ келди.

— Ахир бирор ноўрин иш қилибдими, бу гапларинг қиз болага ҳақорат-ку, узр сўра!— яна қизишиди Рашид.

— Бор нари тур, аралашма,— дея Козим елкаси билан Рашидин қаттиқ туртди.

Агар шу вақт ўртага Дилафрўз тушмаганда бу даҳанаки жангнинг алапга олиб, уришга айланиши ҳеч гап әмасди.

— Сиз аралашманг,— деди Дилафрўз Рашидга юзланиб, кейин Козимга,— машинага чиқинг,— деди-да, ўзи зудлик билан машинанинг олдига ўтириб эшикни қаттиқ ёпди.

Козим Рашидга бир ўқрайди-ю, кейин жаҳл билан машинани ҳайдаб кетди.

Рашид ҳайрон бўлганча машина орқасидан қараб қолди. Қизни бу ерга бошлаб келганлиги учун ўзини айбдордек ҳис қилди. Кўз ўнгига юз берган воқеа, ўша хаёлини банд қилган, ўзи учун гоят муқаддас, ноёб туйғулар уйғотган қизга нисбатан қилинган бундай ёмон муомала учун юрагида ғазаб ўти ёнарди. Ўй ўйлаб охирига етолмас, қиз ҳам, Козим ҳам Рашид учун жумбоқ бўлиб қолганди. Ҳар хил хаёлга борди: «Акаси бўлмаса, балки унинг қаллиғидир, йўқ, ундаи әмасдир, агар севса шунчалик дўқ қиласинми?»

Рашид осмонга — юлдузлар чаманинга қаради. Гүё «Сомон йўли» Самарқанд томон йул курсатгандек

туюлди. Рашиднинг юраги увишди, безовталанди, бепоён юлдузлар чаманига бир оз қараб турди-да, кейин шаҳарга йўл олди.

* * *

Содиқ ишдан қайтиб келганида отаси Абдураҳмон ота шоти қўйиб ҳовлидаги баланд сўрининг узумлари ни хомток қилиб, худди қиз кокилларига үхшатиб эҳтиётлик билан бирма-бир тарамоқда эди. Ў отасига салом берди, кейин қўлидаги чуғир қовунни водопровод тагига қўйиб сувни буради-ю, ўзи ичкари уйга кириб кетди. Бир дақиқа ўтмасданоқ кийимларини ўзгартириб қайтиб чиқди, кейин отасининг ёнига бориб, ердаги кесиб ташланган ток баргларини бир чеккага саранжом қилиб тўплай бошлади.

— Бугун эрта қайтибсанми? — сўради отаси.

— Бир масала билан қўшни заводга борган эдим, ҳартугур ишим тезроқ ҳал бўла қолди, — деди Содиқ.

— Рашид келмадими?

— Иши жуда кўпга үхшайди, кейинги кунларда ҳатто заводда ҳам кўрмайман, — деди ўғлидан бир оз хафа бўлган оҳангда Содиқ.

Отаси шотидан битта-битта қадам қўйиб эҳтиётлик билан пастга тушди, ўғлига юзланиб:

— Бу ёққа кел, болам, мана қара, бу ёғини худди меникига үхшатиб тара, қариллик қурсин, бўйним оғриб кетди, — деди.

— Барibir минг ҳаракат қилмай, сизга ёқмайди, үхшатиб таролмасам керак, — деди Содиқ.

Содиқ шотига чиқиб, токларни бирма-бир тартибга солиб тараётган эди, катта бош ғўрани узиб юборди. Энди гап әшитадиган бўлдим, деб қўрқиб пастга қаради. Ҳартугур Абдураҳмон ота водопровод тагига бориб, юз-қўлларини ювмоқда эди. Содиқ худди айб қилиб қўйган ўзи тўла пишмаган катта бош ҳусайнини узумни олиб ўзи тўплаб қўйган хомток ичига яшириб қўйди, кейин ҳеч нарса бўлмагандек яна шотига чиқиб, тоқ тарашни давом эттирди.

Содиқ ҳозир машинасозлик заводида мастер бўлиб ишлайди. Унинг биринчи устози ўз отаси. Отаси мана

ҳозир саксондан ошиб кетди, лекин ҳали бақувват. Ўзининг айтишича, агар ишласа Содиқдан яхши меҳнат килади. Уни заводда ҳамма уста Абдураҳмон дейди. Содиқ отасига шогирд тушиб, машинасозлик заводида ишлай бошлади, қачонки, ота пенсияга чиққанда, ўғли юқори малакали ишчи бўлиб етишганди. Кейин уни мастерликка кўтаришди.

Абдураҳмон ота ювениб келиб, пастдан туриб ўғлиниг килаётган ишини бир оз кузатиб турди. Кейин унинг иши ёқинкирамади шекилли: «Туша қол, болам, чарчаганга ўхшайсан, қолганини эртага ўзим қиласман!», — деди. Содиқ гўё отасининг гапини эшитмагандек, индамай ток тарафни давом эттираверди. Шу вақт ошхонадан Маҳбуба чиқиб: «Ота, овқатни сузаверайми», деб сўради, шундан кейинги Содиқ «овқат баҳонаси» билан пастга тушди, қўлидаги отасининг ҳамиша авайлаб сақлаб юрадиган төкқайчисини ўз жойига илиб, юз-қўлини ювиш учун водопровод тагига борди.

Абдураҳмон ота қўл юваётган ўғлининг ёнига келиб, қўлидаги сочиқни унга берди, кейин ўғли бир оз оқизиб қўйган сувни қаттиқ қилиб бураб, сўри томон юрди.

— Қовун совисин деб бураб қўйган эдим,— деди Содиқ гуноҳкорона.

— Эй, ўғлим тушунсанг-чи, шаҳардаги ҳамма хонадон қовунга сув оқизиб қўяверса, сув етишадими?

Содиқ отасининг танбеҳига индамади, агар гап қайтарса борми, отасининг чўрткесарлигини билади, жеркиб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас. Зоро, отаси ҳозир ҳал гапни айтаётганди. Бу тишиб-тинчимас чол ободончик масаласида маҳалладагиларга ҳам тинчлик бермайди.

— Билмайман, Рашид нега ҳаяллаб қолди экан,— безовталанди Абдураҳмон ота.

Абдураҳмон ота неварасини ўзи тарбиялаб катта қилди. Энди бўлса, невараси бўйи чўзилиб, унга тутқич бермайдигаи бўлиб қолди.

— Бугун Рашид заводда кўринмади, ишда ҳам кам кўриняпти.— деди Содиқ яна ўғлидан гина қилгандек.

— Болам, сенга нима бўлди, бугун тажанг кўринасан?— сўради отаси пиёлага чой қуяркан.

— Дадажон, сизга очиқ гапни айтсам, Рашид катта кетепти чамамда, мажлисда сұзға чиқиб, ҳеч нарса-дан ҳеч нарса йүқ, директоримизни танқид қилиб қолса бұладими? Гапни қарангки, директор ҳам, унинг атро-фидагилар ҳам консерватор эмиш, янгиликни ҳис қил-мас әмиш...

— Рашид билан гаплашиб күрдингми, балки у ҳақдир,— деди Абдураҳмон ота босиқлик билан.

— Мен билан маслағатлашмайды, ҳовлиқиб, ҳали пишмаган, хом нарсани күтариб юрибди.

— Пишмаган бұлса, ёрдам бер, болам, үйлаб күр, бунақанги ишлар ҳаммамизнинг ҳам бошимиздан үтган.

— Лекин ҳозир Рашид ҳақ әмас.

— Қани бұлмаса менга бир бошдан тушунтириб бер, нима гап үзи?— деди чол соқолини силаб.

— Үзингиз үйланғ, директор ҳам бир нарсаны үй-ламай гапирмайды, менга ишонаверинг, таклиф қила-ётган нарсаси ҳали хом нарса.

— Қизишимай менга очиқроқ айтсанг-чи, Рашид янги машина ишлаптими?

— Йүқ, янги машина әмас, пахта териш агрегатига яиги шпиндель ишләпти.

— Бунинг нимаси ёмон экан,— әнди Абдураҳмон ота ҳам бир оз қизишиб кетди.

— Мен ёмон деб айтганим йүқ.

— Баъзи одамлар борки, амал тегди — үзгаради-қолады. Ахир билмайдыки, ҳукумат, халқ уни шу ла-возимга лойиқ күриб, иззат-хұрмат қилиб құйған. «Ай-ланадиган ер-ку, нега кишиларнинг боши айланади», деганларидек, давлат унга ишониб лавозим, даража, обру берибди, у бұлса илгариги замондаги заводнинг құжайинидек иш күради — манманлик йўлига үтади. Бундайларнинг охири вой.

— Директоримиз яхши одам, дадажон!

— Мен манман одамлар ҳақида сүзладим. Агар әшитган бұлсанг, заводда биз ишлаганда Александр Васильевич Хохлов деган бұларди. Ана у жонон йигит әди. Ҳа, у биләз бирга ишлаганлар билишади. Ажойиб одам әди, ишчи деганда жонини берарди.

Ота чойдан бир ҳұплаб, яна гапида давом этди:

— Энди үғлим, Рашидга келсак, агар билсанг, у ҳали ёш, гүра, унга йўл кўрсатиш, устозлик қилиш керак. Агар янги шпиндель ясаган бұлса, жуда яхши

қилипти. Хўш, сен менга тушутириб берчи, Рашид ясаётган шпинделнинг ҳозиргисидан фириғи пимадо?

— Эй отажон, ҳали пишмаган нарса деяниман-ку!

— Пишмаган бўлса пиширинглар, бу сизлар учун ҳам фарз, ҳам қарз.

— Пишмайдиган бўлгандан кейин фойдаси йўқ.

— Бўлмаса сенга айтадиган гапим шу, сен ҳали ўз ўғлини яхши билмас экансан, ҳа, болагинам, Рашид ақли ҳуши жойида бола, бекорга бир иш қилмайди, шундай, гапларимни яхшилаб уқиб ол!

— Гапларингизга тушундим, отажон, лекин уринагётган иши бефойда иш.

— Йўқ, тушунмабсан, тушунганингда бундай демасдинг, саволимга жавоб ҳам бермадинг, менин ҳали миям ачиб қолганича йўқ бир нарсанни эсдан чиқарсан. Қани, нега жавоб беришдан қочасан, менга Рашидинг шпинделини айтиб берсанг-чи.

— Унинг шпиндели ҳозирги терим машинасидагига қараганда яхши эмиш, пахтани кам тўқармиш, икти-садий жиҳатдан ҳам фойдали экан, тозалашга ҳам кам вақт сарф бўларкан...

— Ҳа, гап бу ёқда дегин, сенинг сўзларингга қараганда Рашидинг ҳозирги ишлаган нарсаси мутлақо бўлмайди, шундайми-а?

— Жуда унчалик эмас, ҳар ҳолда ҳозирча бир гап чиқиши қийин, нима дейишни ҳам билмайман.

— Нега билмайсан, болам, қизик гапни айтдинг, ахир у ўз жигарбандинг-ку, ўғлининг ишига асқат-масанг, кимга асқатасан?

— Отажон, ахир ҳозир биз ясаётган машинанинг шпиндели ёмон эмас, республикамиздаги ўттиз миннга яқин машина ўшанда ишляяпти, пахтамизнинг салкам ярмисини териб беряпти.

— Менимча, ҳозир у машина ҳақида гап бораётгани йўқ, уни ҳеч ким ёмон деяётгани ҳам йўқ, балли ўша машинани ясаганларга. Лекин гап бошқа томонда. Ахир, ўғлим, ўзинг бир тананнинг ўйлаб кўр, яқин-яқинларда Москвага бориш учун неча жойда қўниб, кун бўйи учардик. Энди-чи, икки дунё бир қадам. Мана, куни кеча ТУ — 144 деган янги самолёт чиқибди, «Қизил»¹да расмини ҳам кўрдим, Москва билан Тош-

¹ «Совет Ўзбекистони» газетаси ҳақида гап котянти.

кент ўртасини 1 соату 53 минутда босибди. Мана сенга техника!

Содиқ бир оз жим қолди. Гапга чечан бу чолга гап топиб беролмай қолди, нима ҳам десин, ҳаммасига хо-
зиржавоб, али деса, бали дейди. Барибир отасига ўз гапини ўтказа олмайди, заводда ишлаган кезларида ҳам шундай чүрткесар ишчи эди отаси.

— Рашид сиз айтгандек ҳали жуда ғұр,— деди Содиқ мулойимлик билан.

— Ўзинг қанақа әдинг, бир ўйлаб күрдингми, болға уришни билмасдинг. Рашилдар ҳали ғұр бұлса ҳам ҳар ҳолда, ёш, ёшлардан эса ўзинг мендан яхши била-сан, янги фикр чиқади.

— Энди гапнинг очигини айтсам, неварангиз ўртоқ Акром Пұлатов олдида юзимни ерга қаратди. Биласиз-ку, Акром ака мени жуда ҳам ҳурмат қилади. Үғлим бұлса чиқиб, мен учун ғоят иззатли кишини танқид қи-
либ ўтируса, тағин гапини қарааңг, директор янгиликни бұгаёттан әмиш,— деди қизишиб Содиқ.

— Үғлингнинг гапи, балки росттир. Мана, ўзинг тананга бир ўйлаб құр, еттинчи осмонда одамларимиз учыб юришибди. Ойда эса экскаватор ишляяпти, космонавтлар юрибди, сен бұлсанг битта нарсага ёпи-
шиб оляпсан чамамда. Рашилдинг фикрига ҳам қулоқ солиб күринглар, балки фойдалы томони чиқиб қолар.

Содиқ отасининг гапларига бошини әгіб, қулоқ сол-
ди. Фикрини бұлмади. Лекин юрагида нима учундир үглидан норозидек эди, иложи бұлса, отаси неварасини юришиб құйса! Чунки Рашид оила, турмуш ва бошқа масалаларда отасига буйин әгса ҳам иш масаласида унга ҳечам сұз бермасди, мустақил эди.

Абдурахмон ота ўғлига бир оз қараб турди-да:

— Танқиди ҳақ бұлса, құявер, танқид қилаверсин,
бу билан директорингнинг обруси тушармиди, аксинча,
ишга фойдаси тегади,— деди ётиғи билан.

— Шундайқу-я, ҳали ёш, ўзини майиб қилиб құй-
маса деб құрқаман.

— Құй, завод бунёд бүлтики, шу гап. Иван деган воронежлик ишчи бұларди, әсингдами, сочи жингалак,
малла йигит, битта янги деталь ишлаганда қанақа жанжал бұлғанди. Барибир үшанды Иван ютиб чиққан-

ди. Ҳақ нарса ютиб чиқаверади, ўғлинг ҳақ бўлса, унда қўрқма!

— Чамамда, Рашид сизга ҳамма гапни айтиб қўйганга үхшайди.

— Айтмаса ҳам биламан, сенлар ҳозир сон кетидан қувяпсанлар, газетада анави куни ўқигандим, нима деб ёзибди дегин, сифатсиз маҳсулот беряпсанлар, конструкциялари яхши ишланмаган машиналаринг заводдан чиқади-ю, ремонтга тушади, ахир бу жиноят-ку!

— Машинага талаб катта, чиққанини жон-жон деб пешма-пеш олиб кетишинти.

— Тўгри, машинага талаб катта, лекин сенлар ана шундан фойдаланиб сифатсиз ишлайсанлар. Ошхонага кирсанг, одам кўп бўлади, сўраган овқатинг йўқ. Демак, сен истаган нарсангни олиб келиб беришмайди, балки сен улар берган овқатни ейсан, ҳа, камчил бўлгандан кейин колхозлар машинангни кўзига суртгандек олишаверади-да.

Ота-бала анча мунозара қилишди, оқибат чолнинг асаби чидамай, жаҳли чиқиб кетди:

— Сен ҳали ишчи синфининг кучини тушуниб етмабсан. Ишчининг меҳнати оғир. Биласанми, асалари бир килограмм асал йиғмоқ учун 300 минг километрга яқин масофани учиб 19 миллион гулга қўниши керак экан. Ишчи синфи ҳам шундай. Оғир меҳнат билан, ақл кучи, қўл кучи билан бойлик яратади. Элни кийинтиради, безантиради, озиқ-овқат билан таъминлайди, Агар кучим етганда ўзим билардим, ишчи синфининг қудратини сендақангиларга кўрсатиб қўярдим!

Шу вақт Маҳбуба катта лаганда манти олиб келди, чойнакни бир чеккага қўйиб, ота-боланинг бундай тортишувига ўрганиб қолганлиги учун гапга аралашмай дастурхон атрофига ўтирди. Овқатга энди қўл узатишган өди ҳамки, Рашид кириб келди. Маҳбубанинг юрагидан гўё қуёш чиқиб кетгандек бўлди, ўғлига әшиттириб, «қайнананг суяркан», деб қўйди. Рашид салом бериб, «ҳозир» деганча, ювениб келиб, бобосининг соғлигини сўради ва отасининг қаршисига чўккалади.

— Кечикиб қолдинг, ишинг кўнайиб кетди чамамда,— деди Абдураҳмон ота.

— Ҳозир қўл қўлга тегмайди, заводда ота-бала ҳатто кўриша олмаймиз,— деди отаси, яна ҳалиги гинаси ни қайтариб.

Үртага бир оз жимлик чўкди.

— Самарқандга бориб нима иш қилиб келдинг? — сўради Рашидга юзланиб Абдураҳмон ота.

Рашиднинг юраги шув этиб кетди. Ҳаёлига куни кечча бўлиб ўтган воқеалар тушди, улар гўё тушдек туюлди, Дилафрўзи эслади, юраги увишди. Қизиқ, воқеалар худда хаёлида бўлгандек, ўшанда қадимги афсона дунёсига кириб кетгандек бўлганди. Дилафрўз билан учрашув дақиқалари жуда қисқа вақтда бўлиб ўтган бўлса ҳам гўё Рашид учун жуда узоқ муддатга ўхшаб кетди. Дилафрўз юрагига жуда яқиндек туюлди, ўзининг истаги, орзуси; ўйлаб юргани, излагани шу қиз әмасми? Богибаланддаги учрашув дақиқалари ёдиан чиқармиди. Рашид қизнинг ҳар сўзини, ҳар бир ҳаракатини эслашга ҳаракат қилди, аллақандай илиқ ҳиссийт бутуни вужудини чулғаб олганди. Агар Дилафрўзи кўрмаса, у билан учрашмаса, гўё туролмайдигандай туюлди. Расадхона ёнидаги ўша воқеа-чи? Ажабо, қиз болага ҳам шунчалик қўполлик қилинадими? Бечора қиз, менинг олдимда ер ёрилмади, ерга кириб кетмади, мен-чи, нега ахир жим турдим, таъзирини бериб қўйсан бўлмасмиди!

Рашиднинг лаблари сенин-аста нималарниидир пи-чирлади, бир оз ғазабланганлиги боисидан бўлса керак, асаби қўзғаб, пешанасидан майдатер қуйиб кетди.

— Ўзинг соғмисан? — сўради онаси. Кейин пиёладаги чойни ўғлига узатди.

Рашиднинг хаёли жойнга келди.

— Нима бўлти менга, соппа-соғман... Ҳа... айтмоқчи, Самарқандга дўстларим билан борган эдим, саёхат қилишга.

— Топил билапми? — сўради отаси.

— Йўқ...

Үртага жимлик чўкди. Абдураҳмон ота энди бу ҳақда бошқа гап очмади. Ўғлининг ҳам, неварасининг ҳам хаёли жойида әмасди. Манти еб бўлинди. Маҳбуба ҳалиги эри олиб келган қовунни сўйиб келди, битта палласини коса қилиб, қайнатаси олдига қўйди. Абдураҳмон ота «ҳаммасини емайман, сен олиш», деб коса қилинган палла-қовунни Рашиднинг ёнига суриб қўйди.

Вақт хуфтондан ошди, Рашид рухсат сўраб ўз хонасига кириб кетди. Ота-бола у ёқ-бу ёқдан бир оз гапла-

шиб ўтиришгач, қўзғалишди. Содиқ ўрнидан тураркан, отасига юzlаниб:

— Ҳар ҳолда, неварангизга бир насиҳат қилиб қўйинг, ота,— деди.

— Неварамнинг ақли ҳуши жойида, ёмон бўлсаки, насиҳат қилсан,—деди Абдураҳмон ота.

Содиқнинг жаҳли чиқди, лекин индамади, отасига қараб туриб, кетидан заводга эргашиб борган кезларини эслади. Отасининг ўша навқирон давларини кўз олдига келтирди. Кимсан, Абдураҳмон уста. Заводнинг фахри хисобланарди, расми ҳеч вақт «Ҳурмат тахта» сидан тушмаган. Съездлар, қурултойларга ҳамиша делегат қилиб сайланарди. Агар отасининг расми босилиб чиққан газета ва журналларни тўпласа, қанча бўларди. Унда отаси ёш, бақувват эди. У бўлса энди 16 ёшга тўлганди. Отаси жуда абжир, бир сўзли ишчи эди. «Ҳа, ҳеч қачон сўзидан қайтмайдиган қайсар»,— деда ўзича сўзланиб чойнакни тўлдирди-да, хонасига кириб кетди.

Маҳбуба дастурхонларни йиғиштирап экан, қайнатасига юzlаниб:

— Рашидингизнинг бошини иккита қилиб қўйсан бўларди, отасига айтсан мен ўртага тушмайман, дейди. Ёши ҳам йигирма олтига кирди. Уйланишдан гапирсам, жаҳли чиқади,— деди.

Келин маъюсланиб қайнатасига қараб турди, ота тахта зинадан секин-аста эҳтиёткорлик билан тушар экан, келинига майингина қилиб:

— Вақт-соати келиб, ҳаммаси жойида бўлади, қизим, қўявер, уни шоширма, чамамда, ҳали киладиган ишлари кўп, мен ҳам ўттизга кириб уйланганман...— деди.

Маҳбуба индамади, қайнатасининг сўзларини итоат билан қўйловуштириб эшилди, кейин Абдураҳмон отасининг қўлига сув қуйиб, сочиқ тутди. Ота келинини дую қилди.

* * *

Рашид бу сафар боришида «Зарафшон»га эмас, «Самарқанд» меҳмонхонасига тушди. Хонасига кирди-ю, ўша заҳоти «Интурист»га телефон қилди, негадир ҳеч ким жавоб бермади. Ювениб чиқиб, яна қўнғироқ қилди, ҳартугур бу сафар трубкани бир қиз олди.

- Дилафрұзни телефонга чақириб беролмайсизми?
- Фамилияси нима?
- Фамилияси...

Рашид Дилафрұзниң исмини биларди-ю, лекин фамилиясини сұрамаганды. «Интурист»даги қызы бұлса қүйөлроқ чиқиб қолди, Рашид сұзини тамомламасдан, трубкани таққа ташлаб құйди.

Бундай одобсизлик Рашидга ёмон таъсир қилды, жағли чиқиб қайта құнғироқ қылган эди, яна ұша қизнинг овози әшитилди.

— Мен сизга айтдым-ку, Дилафрұзингизни билмайман, бунинг устига идорада ҳозир ҳеч ким йүк, ҳозир айни қизғин палла, ҳамма саёхатчилар билан юрибди.

Рашид телефонни құйиб, шошганча кийинди-да, Регистон томон кетди. Бозор ёнидан үтиб, мадраса ичиға кирди. Бир группа сайёхларга Регистон тарихини инглиз тилида бийрон сұзлаёттан қизнинг ёнига бориб турди. Суҳбат тугаши билан сайёхлар күча томон юришди, Рашид вақтдан фойдаланиб, қизга яқинлашиб аста сұради:

— Марҳамат қилиб айтинг-чи, Дилафрұзни танийсизми?

- Дилафрұз Қосимованими?
- Ха, ҳа, ұша.

— Бир-икки кундан бери ишга чиқмадилар, әшитишімчә, дам олишга кетган бұлсалар ҳам ажаб әмас, құлогимга шундай чалингандек бұлиб эди,— деди қызы.

- Балки уйида дам олаётгандир?
- Эхтимол,— деди қызы елкасини қисиб.
- Сиз уннің адресини билмайсизми?
- Университет ёнида туришади деб әшитганман, лекин уй номерларини билмайман.
- Раҳмат сизга.
- Арзимайди.

Рашид қыздан яна ниманидир сұрамоқчи бұлди-ю, лекин шу вақт саёхатчилардан кимдир уни саволга тутиб қолди. Кейин яна бозорга чиқиб, такси остановкасига қадар борди. Ҳартугур, таксилар күп экан, биттасига үтириб, университет томон кетди.

Университет ёнидаги газета киоскасига яқинлашиб, сотувчи чолдан сұради:

— Сиз Қосим аканинг уйини билмайсизми, шу ерда деб айтишувди.

— Қосим аканинг уйиними, нега билмас эканман, ҳов анати очиқ турган күк эшик,— сотувчи киоска даричасидан калласини чиқариб күчанинг нариги бетидағи эшикни күрсатди-да, кейин:— Қосим ака таниқли одам, уни Самарқандда билмаган киши йўқ,— деб қўшиб қўйди.

Рашид күчанинг нариги бетига ўтиб, очиқ турган кўк эшик ёнида тўхтаб, ичкарига муралади. Ойнабандли уйлар, катта чорси ҳовли, уртаси гулзор. Кимдир ҳовли супурмоқда эди. Узи кўринмасди-ю, атлас кўйлагининг бир чеккаси кўзга чалишарди, холос. Рашидининг юраги дукиллаб уриб кетди, кўчадан ўтаётганлар кузатмаяптикин деб у ёқ-бу ёқка аланглади-ю, кейин яна ичкарига қаради. Қиз кўринди, ўша, ҳа, худди Дилафрўзнинг ўзи. Демак, дам олишга кетмабди, уйида экан. Эшик ҳалқасини ушлаб, аста-секин тақиллатди. Қиз орқасига ўгирилиб қаради-да, эшик олдида турган бегона йигитни кўриб, супургисини ташлаб, дарвоза ёнига келди.

— Ассалому алайкум,— деди қиз уялигина.

Рашид саломга алик олди-да, аввалига бир оз иккиланди, кейин эски танишлардек сўраша кетди.

— Яхшимисиз, саломат юрибсизми?

Қиз бўлса ер остидан Рашидга қаради, бу қаравша лоқайдлик, «нега келдингиз» дегандек савол аломати бор эди.

— Отпускада экансиз шекилли?— сўради Рашид.

— Йўқ...

— Мени танимаяпсизми...

— Сизни қаердан танир эканман, қизиқ экансиз,— Қиз ҳайрат-ла Рашидга қаради.

— Ие, Расадхона ёнидаги учрашувимиз-чи?

— Бу нима деганингиз, кечирасиз, мен сиз айтган қиз эмасман.

— Мени танимаяпсизми, ахир мен Рашидман...

— **

— Афросиёб ҳақидаги ҳикоя әсингиздами, мен... мен...

— Кечирасиз, ҳозир дадамларини чақираман,— қиз шундай дея эшикни ёпиб, чопганча ичкарига кириб кетди.

Рашид ғоят ўнгайсизланди, кетишини ҳам, кетмас-лигини ҳам билмай, турган жойида қотиб тураверди. Ўзи учун ғоят яқин, қадрдон бўлиб қолган, юрагига яқин севикли кишисининг таниб туриб, ўзини танимасликка олиши уни ҳайратга солганди. Ажабо, ростдан ҳам танимаяптими ёки шунчалик ўзини билмасликка оляптими? Йигит бўлиб, бунаقا аянчли ҳолатга биринчи бор тушиши эди. Кўра-била туриб, танимайман, деб турса бундан ҳам ортиқ дилозорлик бўладими? Кейин ўзига ўзи таскин берди. «Бир марта кўришган эдик, холос, танимасликка балки ҳаққи бордир. Гўзал, дилбар қиз бўлгандан кейин, биздакангиларга бепарво қарайди-да! Бунинг устига бунақанги қизларнинг хушторлари ҳам кўп бўлади. Балки мен ҳам шулардан бири-сибирман». Бу сўз Рашиднинг миясига қаттиқ урилди. Хаёли бўлинди. «Хозир дадаси чиқса нима дейман, яхшиси, тезда бу ердан кета қолай, тагин шарманда бўлиб юрмай» дедио ёв қувгандек шошганча кўчанинг нариги бетига ўтиб олди. «Бегона шаҳарда таниш бўлмаган уйга, тагин қиз болани қидириб келиш... Ёш бола бўлса ҳам майли эди. Студентлик даври бўлганда ҳам майли эди, бунақанги «мардлик»ни кўтараверди. Кап-катта ёшдаги одам севги изҳор қилиб, қизларнинг уйигача бориб юрса-я! Кимсан, Тошкентдаги катта заводнинг инженер-конструктори, бу ёгини суриштирса тагин партбюро аъзоси. Ёшинг катта бўлиб, обрў-эътиборли киши бўлиб қолганингдан кейин бунақа ишлар ярашмас экан».

Рашид шуларни ўйлаб, ҳардамхаёллик билан университет ёнидаги хиёбон бўйлаб кетди. Газета киоскаси ёнидан ўтаётганда ҳалиги чол яна бошини чиқариб: «Қосим акани учратдингизми?» — деб сўраб қўйди. Рашид «топдим» дегандек, калласини қимирлатди. Бу аянчли аҳволи ўзига жуда гаъсир қилди. Айниқса, қизнинг танимасликка олганлиги жон-жонидан ўтиб кетди. Танимаган одамнинг уйига бориб юрибди-я! Тағин боришга бориб қўйиб, индамай қочиб ҳам қолди. Улар энди нима деб ўйлашаркин, балки бирор ўтри-муттаҳам келгандир дейишар. Наҳотки Дилафрўз уни дарҳол унугтан бўлса! Рашидга ҳаммадан ҳам шуниси алам қилди. Кўриб-билиб туриб, юзингда қўзинг борми демай танимай ўтиrsa! Тағин, Тошкентдек жойдан фақат ўшани деб келган бўлса! У бўлса

парвойи фалак, ҳозир ҳеч нарсаны билмагандек яна ҳовли супуришни давом эттираётган бўлса ажаб эмас. Бу инсон туйғусини хўрлаш эмасми? Лоақал, кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашса ҳам майли эди.

Рашид шундай хаёллар билан бўлиб меҳмонхонага етиб келганини ўзи ҳам билмай қолди. Хонасига кирди-ю, чарчаб диванга ўтириди, хўрлиги келди, эзилди. Энди бу ерда ёлғиз нима қиласди. Қечқурунги самолёт билан Тошкентга кетгани маъқул эмасмикин. Эртага дам олиш куни уйда бўлиб, баъзи бир ишларга қаравашса бўларди. Бобоси ҳам, отаси ҳам, уйда кам буласан, деб хафа бўлишаётганди. Телефон ёнига бориб, аэропорт кассасига қўнгироқ қилиб, кечқурунги рейсга билет заказ қилди. Кейин диванга келиб, маъюс ўтириди. Туфлиси оёғини сиқиб юборган эди, ечиб ташлади. Галстугини ҳам ечди. Каравотдаги ёстиқни олиб диванга қўйди-ю, ёнбошлади. Қўзи бир оз илинган ҳам әкан, ҳаёлида хонада кимдир юргандек бўлди. Қўзини очиб, уйда юрган одамнинг ким эканлигини аниқламоқчи бўлди-ю, лекин кучи етмади, қўзи юмилганча ётаверди, охири булмади, бутун иродада кучини тўплаб, куз очиб у ёқ-бу ёққа қаради.

— Кечирасиз, уйготиб юбордимми, бемалол дам олаверинг, мен у ёқ-бу ёқни тартибга солиб қўйдим.— Бу меҳмонхона хизматчиси эди.

— Бемалол, шунчаки кўзим илинибди,— деди Рашид уйқу аралаш.

Ҳалиги аёл ивирсиб юравергач, Рашиднинг ғаши келиб ўрнидан туриб кетди. Дераза ёнига бориб, бир оз кўчага қараб турди, ўтган-кетганларни кузатди, кейин ҳалиги аёлга юзланиб:

— Сиз асли самарқандликмисиз?— деб сўради.

— Бўлмасам-чи, асл насл-насабим самарқандлик бўламан. Отам ҳам шу ерда туғилиб, шу ерда вафот этганлар.

— Қаерда турасиз?

— Шоҳизинда ёнидаги кўчада.

Рашид бир оз мулоҳаза қилиб турди-да, кейин сўради:

— Сиз Қосим акани танийсизми?

— Қайси Қосим aka?

— Университетга яқин жойда турармииш-ку!

— Нега танимас эканман, бу ёгини сұрасанғиз, біз-га уларнинг бир оз қариндошлик томони ҳам бор.

— Узоқ қариндошми?

— Қосым аканинг хотинлари Сарвихон томондан яқинлигимиз бор. Илгари онам раҳматлик үлмасларидан олдин уларни кига тез-тез бориб турар әдік, онам вафот этдилару алоқамиз узилди.

— Ҳозир борди-келди қылмайсизми?

— Анчадан бери бормайман.

— Сарвихон опа томондан қариндош экансиз-да!

— Ҳа, айтишларича, Сарвихон ёшлигіда жуда чи-ройли қызы бүлган дейишади, худди ҳурилиқонинг ўз-гинаси экан... Қосым ака шүрлік үнга ошиқу бекарор булиб, роса овора бүлган дейишади, охири ўртага эңг яқын обрули кишиларни қўйиб, зўр-базур Сарвихонга уйланган экан.

— Қосым аканинг нечта фарзанди бор?

— Билмадим, ҳар ҳолда уч-түртта бўлса керак,— деди хизматчи аёл.

— Яхши билмас экансиз-да, бўлмаса, тағин қариндошмиз дейсиз.

— Айтдим-ку сизга, илгарилар кўп борардик деб. Ҳозир оёғимни узиб юборганман. Нимасини айтасиз, иним, менинг дардимни қўзғатманг, бу ёгини сұрасанғиз, буларнинг оиласига тегингу қочинг. Қизларини нақ осмонда, шундай олифта, шундай таннозки, худди онасининг ўзгинаси. Онаси Сарвихон иссиқ-совуқчи, жодугар, эри бўлса унинг чизган чизигидан чиқмайди, бурнидан ип ўтказиб олган. Бечора Қосим ака бўлса, қўйдан ювош одам, умри меҳнатда ўтган. Айланай, тағин ёмонлаяпти деб ўйламанг, мен ҳақ гапни айтяпман. Яхшини яхши, ёмонни ёмон, дейман. Сарвихондек пишиқ, хасис аёл Самарқандда бўлмаса керак. Ўйига борсанғиз қариндошим келибди, деб мундоқ рўйхуш ҳам бермайди, уруг-аймоқлари улардан безиб кетишган. Айниқса, Қосым ака қариндошларининг ҳолига вой. Бир кун Қосым аканинг қишлоқдан колхозда ишлайдиган укаси келган экан, уйига киргизмабди ҳам. «Тузукроқ кийим кийиб келинг», деб жунатиб юборибди, ҳатто олиб келган нарсаларини қўлига қайтариб берибди.

Меҳмонхона хизматчиси жуда сергап аёл чиқиб қолди. Дилафрўзнинг оиласи ҳақида йўқ ердаги гап-

ларни айтди, сўзининг охирида «қизини аллақаерга унашиб қўйган эмиш», деб қўйди.

Рашид меҳмонхона хизматчисининг сўзларига ҳайрон бўлди. Лекин ишонмади. «Афтидан, бу аёл ёлғоняшиқни кўпроқ гапирди», деб ўйлади. Ўзига ўзи савол берди. «Нега шундай қилди экан ёки уларда хусумати бормикин? Айниқса, онасини жуда ҳам ёмонлаб ташлади».

Рашидниң хаёл суриб, ўйланиб қолганини сэзган хизматчи аёлниң эсига бирор нарса тушди шекилли, кўкқисдан сўраб қолди:

— Сиз уларни танийсизми, жуда суриштириб қолдингиз?

— Ҳа, бир оз ташишлигимиз бор,— деди Рашид гапни чўзмай.

— Ҳали шундай денг...— деди аёл Рашидга зимдан ёвқарашиб қилиб, кейин чикиб кетди.

Бу сафар Самарқандга келишидан кўнгли жойига тушмади. Фақат дўсти Ғофир билан учрашиб, қишлоқ хўжалик бошқармасида янги шпинделнинг лойиҳаси бўйича маслаҳатлашиб олди. Дўсти Ғофир унга жуда яхши, самимий мулоҳазалар айтди. Бошқарманинг Виталий Борисович Красов деган бош инженери бор экан, айниқса, ўша киши янги шпинделнинг битта деталини бошқачароқ қилиб ўзгартириш ҳақида ажойиб фикр билдириди, бу Рашид учун жуда ҳам қимматли эди.

* * *

Жума куни илмий-техника кенгашининг мажлиси бўлади. Янги шпиндель лойиҳаси асосан тайёр. Цехдаги ишчилар ҳам Рашидга яхши фикрлар айтишиди, ҳатто конструкцияга айрим ўзгартишлар киритишиди. Ҳаммаси майли-ю, фақат завод директорининг муносабати Рашидга қоронғи эди. Ҳар ҳолда, у заводнинг директори бўлгандан кейин ҳамма унинг изидан боради, айтгани айтган, дегани деган. Агар директор ёрдам бермаса, шининг олға силжиши, албатта, қийин. Қани энди, конструкцияга биноан жуда бўлмаса янги шпинделнинг бирорта намунасини яратиб, синаб кўрса, ҳамма нарса яна ҳам равшан бўларди. Бунинг учун илмий-техника кенгашининг қарори көрак. Завод директори сидқидилдан хоҳиш билдирмаса техника кенгаши

ҳам масалани узил-кесил ҳал қилиши қийин, күпчилик директорнинг оғзига қараб туради.

Яқинда Рашид цехда ишчилар билан маслаҳат қилиб турганида завод директори Акром Пұлатов келиб қолди.

Рашид салом беріб, директор билан куришди.

— Хүш, нима гап? — сұради директор.

— Үша сизга айтган янги шпиндель ҳақида маслаҳат қиляпман, биласизми, ишчилар лойиҳани маъқуллашыпти...

— Э, құйсанг-чи шу конструкцияныңни, жуда мияни ачитдинг, шошмай тур, бунақанги ишлар кейин бұлаверади, конвейердан чиқаётган машиналарнинг бир-иккитасини ОТК үтказмапти, бориб гаплашиб күр, улар нима демоқчи?

— Нима дерди, сипати ёмон бўлса керак.

— Сен ҳам үшаларга ён босасан.

Директор қаддини ғоз қилиб, конвейердан чиқаётгап тұрт қаторли машинани күрсатди:

— «Ўзбекистон» — бизнинг фахримиз, бу йил дала-ларимизда үттис минг «зангори кема» ишлаши керак. Машинага талаб катта!

— Талаб катталағыни мен ҳам биламан, Акром Пұлатович, аммо ҳаёт бир жойда тұхтаб турмайды-ку!

— Ҳа, Рашид, худди шунинг учун ҳам «ХВС-1,2»ларни янгилари билан, тұрт қаторли машиналар билан алмаштирудик. Шу машина билан 700—800 тоннага етказиб пахта териляпты. Тушуняпсанми?

— Жуда яхши тушуняпман, машинамизга тан берамаң, лекин биз уни янада такомиллаштырыш йўлидан боришимиз керак, мукаммал, арzon, фойдалы пахта териш агрегатлари яратишимиш даркор.

Шундан кейин сұхбат бўлиди. Кимdir директорни тезда телефонга чақиришаётганлигини айтди. Директор: «Ҳали сен билан яна гаплашаман», дея, шошганча югуриб кетди.

Хуллас, директор билан бўлиб үтган гап шу билан тугади. Заводда бўлиб үтган партия ҳисобот-сайлов йигилишида заводнинг бош конструктори Василий Васильевич Сабуров, заводнинг бош инженери Григорий Иванович Ефремов сұзга чиқишиб, Рашидининг янги шпиндели лойиҳасини мақтаб, маъмуриятдан бу тақлифга эътибор билан муносабатда бўлишни сұрадилар.

Кейин Рашид мажлисда завод директори бу масалага лоқайдлик билан муносабатда бўлаётганлигини очиқдан-очиқ айтди. Шундан кейингина лойиҳа илмий-техника кенгашининг мажлисига қўйиладиган бўлди. Эртаси куни завод директори кабинетида кичкина йиғилиш бўлиб, рецензентлар тайинланди. Илмий-техника кенгашининг мажлиси жума кунига белгиланди.

Рашид бўлажак кенгашда лойиҳанинг қаттиқ муҳокама бўлишини биларди. Лекин хулоса қандай бўлади, иши олга босадими, йўқми, буни билмасди...

* * *

Кенгашга яхши тайёргарлик кўриш, ҳужжатларни, ҳисоб-китоб ишларини яна бир бор кўздан кечириб чиқиши керак. Рашид Гофир билан бирга ҳаммасини яхшилаб чамалаб чиқди. Ҳисоб-китоб ҳам жойида. Ўйлади: самолёт учишига ҳали икки соатча вақт бор, унгача яххиси бозорга чиқиб, бирор совға-салом олиб келай деди-ю, отланиб ўша томонга жўнади.

Дастлаб нон бозорига борди, кейин мева бозорига ўтди. Синглисига шўр данак олмоқчи бўлиб турган әди, қаршисида унга қараб турган шляпали йигитга кўзи тушди. Қаерда кўрган эдим, деб хаёлидан ўтказди. Қўзига жуда совук кўриниб кетди. Боз устига, шляпаси жуда эски, ўзича «замонавий» деб мақтангандек йўғон қилиб тақиб олган рангдор галстук костюмидан чиқиб, худди сочиқдек осилиб ётиби. Ҳа, энди эсига тушди. Айтмоқчи худди ўша, кечқурун Дилафрўзга дашном берган йигит шу... Козим...

— Ҳа, йигит, ҳали ҳам Самарқандда юрибсизми? — Рашидга яқин келиб гап ташлади Козим.

— Салом алайкум, соғ-саломатмисиз, — яхши гапирди Рашид.

— Саломатлигимни сизга аҳамияти йўқ, мен сизни яхши танимасам, — тўнгиллади Козим.

— Ота-боболаримиз одати, танишими, таниш эмасми, барибир салом бериш керак.

Козим индамади, ўзини әшитмаганликса солиб, пештахтага тўкиб қўйилган шўр данакдан олиб қарсиллатиб чақа бошлади.

Рашидинг ғаши келиб, ундан нари кетди, Козим бўлса хиралик қилиб, унинг орқасидан юраверди.

— Хўш, менда ишингиз борми? — сўради Рашид энди бир оз жаҳли чиқиб.

— Бу ерни Самарқанд бозори дейдилар, қаерга борсам боравераман.

Рашид индамади, оғирлик қилди, уша кунти беодоблиги учун бир кўнгли таъзирини бериб қўймоқчи ҳам бўлди, аммо унинг шаллақилик қилишидан қурқди, ахир бунақангилар билан олишиб, обрў топиб бўладими! Лекин индамасанг, яна авжга чиқавериши ҳам мумкин.

— Ишқ-муҳаббат изҳор қилиб кетган экансиз ўшанда, хўш, бу ёғи нима бўлди энди?

— Бу билан нима демоқчи бўласиз?

— Кўп бу ерда хира пашшадек айланаверманг, бу ерни Самарқанд дейдилар...

Рашидинг ғазаби қўзғади, бу сурбетнинг қилмишига энди ортиқча чидай олмас эди, асаби бузилганидан оғзи қуриб қолди, жони ҳалқумига келгандек бўлди. Қани энди холи жой бўлса-ю, бу пасткашнинг таъзирини бериб қўйса.

Рашид қанчалик ўзини босиб, оғирлик қилишга уринмасин, Козим борган сари авжга чиқарди. Кесатик гаплар унинг жонига тегди.

Рашид яна оғирлик қилди, жаҳлини ичига ютиб, Козимга бир оз яқинлашди, аста-секин қулоғига бир нарса демоқчи бўлган кишидек, йигитнинг билагини ушлаб, шу қадар қаттиқ қисдики, Козимнинг кўзларидан ўт чиқиб кетгандек бўлди. Козим жуссаси келишган бақувват йигит кўринарди, лекин Рашид ундан кучли эди. Унинг қўли жуда ҳам қаттиқ эди. Чунки у янги машиналарни тайёрлашда, тажриба қилишда бевосита ўзи қатнашарди, баъзан станокда ишлашга ҳам тўғри келарди, пахта териш машиналарини далада бир неча бор синаб ҳам кўрган. Бир йили мавсумда янги пахта териш машинасида ишлаб, ҳаммадан кўп пахта терганди. Козим жон-жаҳди билан қўлини бўшатиб олмоқчи бўлар, лекин Рашид қўйиб юбормай, яна ҳам қаттиқроқ қисарди.

— Қўлимни қўйиб юборинг, илтимос қиласман, — Козимнинг пешанасидан майда тер чиқиб кетди.

— Бундан кейин бачканалик қиласманми? — сўради Рашид.

— Қўйиб юборинг,вой, қанақа одамсиз ўзи? — Ко-
зимнинг овози ингичкалашиб кетди.

— Қилмайсанми деялман?

— Ҳа...

Рашид Козимнинг қўлини бушатди. У Рашиднинг
темирдек қўлларидан зўр-базур ажратиб олган билаги-
ни бир оз уқалаб турди-да:

— Ҳазилни ҳам билмас экансиз,— деди Рашидан
ўпкалагандай.

— Уша Расадхона ёнида ҳазилними? Афсус,
ўшанда таъзирингни бермаган эканман.

Козим бу сафар индамади, ҳамма гапни ичига ютиб,
ўлганинг кунидан бир иршайди-ю, кейин тез-тез
юриб кетди, Рашидга әшииттирмай шималарнидир ғул-
дираганча оломон ичига ғойиб бўлди.

Рашид Козимнинг қилмишига нафрати келиб, ол-
моқчи бўлган нарсаларини ҳам харид қилмай, тўппа-
тўғри меҳмонхонага келди-ю, нарсаларини шоша-пиша
йигиштира бошлади. Бир нарса эсига тушиб қолди
шекилли, шаҳар телефон тармоқлари рўйхатини олиб,
Дилафрўзнинг уй телефонини излади. Лекин телефон
китобида уларнинг фамилияси йўқ эди. Соатига қара-
ди, вақт оз қоляпти, нарсаларини олиб чиқиб эшик ёни-
га қўйди-да, ҳалиги меҳмонхона хизматчисини чақи-
риб, хонани қабул қилиб олишни илтимос қилди.

— Кетяпсизми? — суради аёл.

— Раҳмат, сизга!

— Ҳа, айтгандай, битта танишим келган эди, су-
риштирган эдим, Сарвихонникига борган экан, уша ку-
ни қизини Сочига жўнатибди.

— Қайси санаторийда экан?

— Сочидаги... Ҳаҳ, эсим қурсин, айтувди-я... «По-
беда» деган санаторий борми? Менимча, ҳа, худди шун-
дай.

Рашид «раҳмат» деди-ю, нарсаларини олиб кўчага
чиқди. У такси тўхтатиб, унга ўтирди. Шофёр жуда
одамохун чиқиб қолди. Йўл-йўлакай гаплашиб кетиши-
ди, лекин Рашиднинг хаёли бошقا ёқда, битта жум-
боқни ҳечам еча олмас эди: Дилафрўзни ўз кўзи би-
лан кўрди, гаплашди. Аммо бу сафар Дилафрўз нега
ўзгариб қолди? Негадир қиздаги самимийлик, уша
дилбар қарашлар йўқдек эди... Бутунлай ўзгариб қо-
либди, худди бегонадай тутди ўзини. Нега шундай қил-